

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

364 Радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар, шунингдек ядровий материаллар айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида

«Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасини, «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасини амалга ошириш мақсадида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ионлаштирувчи нурланиш манбалари айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» 2009 йил 3 апрелдаги 98-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й.

1. Қуйидагилар:

Радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ядровий материаллар айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари уч ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р. Шаисматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 13 август,
231-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 13 августдаги 231-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар
айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат
қилиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасида ионлаштирувчи нурланиш манбаларини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимида (кейинги ўринларда — давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизими деб аталади) радиоактив моддалар (кейинги ўринларда РМ деб аталади) ва радиоактив чиқиндиларни (кейинги ўринларда РЧ деб аталади) давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини юритишни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар айланишини республика даражасида давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган РМ ва РЧ айланиши субъектларида РМ ва РЧни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш;

радиоактив моддалар ва радиоактив чиқиндилар айланишини идоравий даражада давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига идоравий мансуб РМ ва РЧ айланиши субъектларида РМ ва РЧни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш;

РМ ва РЧ айланишини минтақавий даражада давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш — Ўзбекистон Республикасининг тегишли маъмурий-ҳудудий бирлиги ҳудудида жойлашган РМ ва РЧ айланиши субъектларида РМ ва РЧни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига идоравий мансуб ташкилотлар бундан мустасно;

радиоактив моддалар — таркибида белгиланган радиациявий хавфсизлик нормалари ва қоидаларининг энг кам қийматидан ортиқ активликдаги радионуклидлар бўлган ҳар қандай агрегат ҳолатидаги ядровий материалларга тегишли бўлмаган моддалар;

радиоактив чиқиндилар — кейинчалик улардан фойдаланиш назарда тутилмайдиган ядровий материаллар ва (ёки) радиоактив моддалар;

РМ ва РЧ айланиши субъектлари — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда РМ ва РЧни қазиб олиш, ишлаб чиқариш, ҳосил қилиш, қайта ишлаш, улардан фойдаланиш, уларни сақлаш, уларга хизмат кўрсатиш, уларни ташиш, шу жумладан уларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилиши, зарарсизлантирилиши ва кўмиб ташланиши бўйича РМ ва РЧ айланиши соҳасидаги фаолиятни амалга оширадиган юридик шахслар;

ионлаштирувчи нурланиш манбаи (ИНМ) — ўзидан ионлаштирувчи нурланиш чиқарувчи ёки чиқаришга қодир бўлган қурилма ва (ёки) радиоактив модда, ядровий материаллар;

ионлаштирувчи нурланиш — радиоактив парчаланишда, ядровий эврилишларда, моддадаги зарядланган зарралар ҳаракатининг секинлашувида ҳосил бўладиган ҳамда муҳит билан ўзаро таъсир этиш чоғида ҳар хил кутбли ионларни ҳосил қиладиган нурланиш;

ёпиқ радионуклид манбаи — қўлланилиши ва эскириши даврида, ўзидан чиқаётган мўлжалланган радионуклидларнинг атроф муҳитга тарқалишини истисно қилувчи қурилма, ионлаштирувчи нурланиш манбаи;

очиқ радионуклид манбаи — қўлланилиши даврида ўзидан чиқаётган радионуклидларни атроф муҳитга тарқатувчи ионлаштирувчи нурланиш манбаи;

радиациявий хавфсизлик — фуқаролар ва атроф муҳитнинг ионлаштирувчи нурланишнинг зарарли таъсиридан ҳимояланганлиги ҳолати;

санитария-ҳимоя зонаси — мазкур манбани нормал ҳолатларда ишлатганда фуқароларнинг нурланиш олиш даражаси аҳоли учун белгиланган асосий меъёрдан ортиши мумкин бўлган ионлаштирувчи нурланиш манбаи атрофидаги ҳудуд;

кузатиш зонаси — радиациявий мониторинг ўтказиладиган санитария-химоя зонасидан ташқаридаги ҳудуд;

ядровий хавфсизлик — ядровий материаллардан хавфсиз фойдаланишни таъминлайдиган тадбирлар комплекси;

радионуклидлар билан зарарланган ҳудуд — нормалар ва қоидаларда белгиланган минимал қийматидан ошадиган ва нурланишга олиб келадиган радиоактив моддалар маълум миқдорда бор бўлган атом энергияси ишлатилган объектлар (саноат, санитария-химоя зонаси ва кузатиш зонасидаги ер ва ҳовузлар) ҳудуди;

йиллик таъсир даражаси (эквиваленти) — бир йил ичида олинган ташқи нурланиш таъсири (эквивалент) даражаси йиғиндиси ҳамда шу йил давомида организм қабул қилган шартли радионуклидларнинг ички нурланиши кутилган таъсир (эквивалент) даражаси. Йиллик таъсир даражаси бирлиги — зиверт (Зв).

жамоавий таъсир даражаси — индивидуал таъсир даражалари йиғиндисига тенг бўлган нурланишнинг стохастик таъсири вужудга келишининг жамоавий хавфи чораси. Жамоавий таъсир даражаси бирлиги — инсон-зиверт (чел. — Зв).

нуклид — берилган масса сондаги (ядродаги протон ва нейтронлар массаси) ва атом рақамли (ядродаги протон ва нейтронлар сони) хилма-хил атомлар.

II. Давлат томонидан ҳисобга олиниши ва назорат қилиниши керак бўлган РМ ва РЧ

3. Қуйидагилар давлат томонидан ҳисобга олиниши ва назорат қилиниши керак:

улар билан ишлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг лицензияси (рухсатнома) керак бўладиган, минимал қийматли солиштирма активлиги (МҚСА), хонада ёки иш жойидаги активлиги (МАО) ва алоҳида нуклидлар радиациявий хавфлилик гуруҳи ушбу Низомга 1-иловада кўрсатилган қийматдан ошмайдиган РМ. Янги тайёрланган РМ омборга келиб тушган вақтида давлат томонидан ҳисобга олинади;

ушбу Низомга 2-иловада кўрсатилган таснифлаш бўйича қаттиқ ва суюқ РЧ, ушбу Низомга 3-иловада кўрсатилган таснифлаш бўйича газ ҳолатидаги РЧ.

Ёнғиндан хабар берувчи сигнализациялардаги радионуклид манбалар, радиациявий назорат асбобларида ишлатиладиган эталонли манбалар, радиофармацевт препаратлар, иммунологик анализ учун тўпламлар, тиббиёт учун белгиланган радиоизотоп генераторлар, радионуклидлар билан белгиланган бирикмалар, шунингдек асосида емирилиш даври 60 (олтмиш) суткагача бўлган эритмалар ва радиоизотоп препаратлар, йод-125 ни қўшган ҳолда, фақат уларни ишлатадиган РМ ва РЧ айланиши субъектларида ҳисобга олинади.

4. РМ ва РЧ айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат

қилиш ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва етказиш, уни рухсат берилмаган фойдаланишдан ҳимоя қилиш, қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бошқа ахборот тизимлари билан электрон кўринишда маълумот алмашишни таъминлайдиган ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

III. РМ ва РЧни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилишни юритиш тартиби

5. РМ ва РЧни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш РМ ва РЧ айланиши субъектларида дастлабки ҳисобга олиш натижалари ва РЧ нинг барча айланиши ҳамда уларнинг божхона чегараси орқали олиб ўтилиши маълумотларига асосланади.

РМ ва РЧни дастлабки ҳисобга олиш улар турган, сақланадиган ва кўмиладиган пунктлар (жойлар) бўйича ҳамда радионуклид таркиби, активлиги, уларнинг ҳажми ва сонига қараб олиб борилади.

Дастлабки ҳисобга олишни юритиш тартиби «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган қўлланмага асосан белгиланади.

6. «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига:

РМ ва РЧ айланиши субъектлари томонидан РМ ва РЧ олиниши ва берилиши вақтидаги ҳисобга олиш ва назорат қилиш тўғрисида 10 кун ичида ахборот;

РМ ва РЧ айланиши субъектлари томонидан РМ ва РЧни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тўғрисида жорий йилнинг 1 февралигача йиллик янгиланадиган ахборот;

тайёрловчи ташкилотлар, РМ радионуклид манбалар, таркибида радионуклид манбаи бўлган асбоблар (аппаратлар, қурилмалар) билан таъминловчи ташкилотлар ҳамда уларни қайта ишловчи, сақловчи ва кўмиб юборувчи ташкилотлар томонидан ҳар чоракда бир марта РМ берилиши (олиниши) тўғрисидаги ахборот тақдим этилади.

7. Ҳисобга олиш ва назорат қилиш шакллари Атом энергияси халқаро агентлиги тавсиялари асосида «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

8. РМ ва РЧнинг физик мавжудлигини аниқлаш учун РМ ва РЧ айланиши субъектлари:

РМ ва улар жойлашган жойни — «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган ИНМни инвентаризациядан ўтказиш йўриқномасига асосан ҳар йили;

РЧ ва улар сақланадиган ва кўмиладиган пунктларни ҳамда РМ ва РЧ айланиши субъектлари кузатув чегарасида жойлашган радионуклидлар билан зарарланган ҳудудларни «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган ИНМни инвентаризацияни ўтказиш йўриқномасига асосан беш йилда бир марта инвентаризациядан ўтказадилар.

9. РМ ва РЧ айланиши субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгар-

ган, у тугатилган ёки қайта ташкил қилинган, РМ ва РЧ билан ишлаш бутунлай тўхтатилган, ўғирлик, РМ ва РЧ турган ёки сақланадиган пунктларга (жойларга) рухсат берилмаган таъсир ўтказиш аниқланган тақдирда, фавқулодда ҳолатлар оқибатлари бартараф қилингандан кейин РМ ва РЧ навбатдан ташқари инвентаризациядан ўтказилади.

10. РМ ва РЧ айланиши субъектларида РМ ва РЧни йўқотишлар, шунингдек топилган ёки ҳисобга олинмаган РМ аниқланганда ташкилот тезда ўзидан юқори турувчи ташкилотга (мавжуд бўлса), Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматига ва «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига маълум қилади. Ҳисобга олинмаган ва топилган РМ ва РЧ давлат ҳисобига олинади.

11. РМ ва РЧ айланиши субъектлари раҳбарлари маълумотлар «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига ўз вақтида, ишончли ва тўлиқ тақдим этилиши ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ махфийлик режими таъминланиши учун жавоб берадилар.

IV. Ходимларни ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш

12. Республика, идора ва минтақа даражаларида РМ ва РЧ айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилишни амалга оширувчи ходимларни ўқитиш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти базасида ўтказилади.

13. РМ ва РЧ айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш бўйича раҳбар ходимларни ва мутахассисларни ўқитиш дастурлари «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

14. «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси базасида давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича доимий ишлайдиган маслаҳат пункти ташкил қилинади.

V. РМ ва РЧни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби бузилганлиги учун жавобгарлик

15. Ушбу Низом бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Радиоактив моддалар ва радиоактив
чиқиндилар айланишини давлат томонидан
ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Минимал аҳамиятли солиштирама активлик (МҚСА), иш
жойидаги ёки хонадаги активлик (МАО) ва алоҳида
нуклидларнинг радиациявий хавфлилик гуруҳи**

Нуклид	МАСА, Бк/г	МАО, Бк	Хавфлилик гуруҳи
1	2	3	4
C-14	1 E+04	1 E+07	В
P-32	1 E+03	1 E+05	Б
P-33	1 E+05	1 E+08	Г
Fe-55	1 E+04	1 E+06	В
Fe-59	1 E+01	1 E+06	В
Co-57	1 E+02	1 E+06	В
Co-60	1 E+01	1 E+05	Б
Zn-65	1 E+01	1 E+06	В
Sr-90	1 E+02	1 E+04	Б
Y-90	1 E+03	1 E+05	Б
Tc-96	1 E+01	1 E+06	В
Tc-96m	1 E+03	1 E+07	В
Tc-97	1 E+03	1 E+08	Г
Tc-97m	1 E+03	1 E+07	В
Tc-99	1 E+04	1 E+07	В
Tc-99m	1 E+02	1 E+07	В
Ag-110m	1 E+01	1 E+06	В
Sb-124	1 E+01	1 E+06	В
I-123	1 E+02	1 E+07	В
I-125	1 E+03	1 E+06	В
I-126	1 E+02	1 E+06	В
Cs-137	1 E+01	1 E+04	Б
Eu-152	1 E+01	1 E+06	В
Gd-153	1 E+02	1 E+07	В
Tm-170	1 E+03	1 E+06	В
W-181	1 E+03	1 E+07	В
W-185	1 E+04	1 E+07	В
Tl-204	1 E+04	1 E+04	Б
Pb-210*	1 E+01	1 E+04	Б
Bi-210	1 E+03	1 E+06	В
Po-210	1 E+01	1 E+04	Б
Rn-220*	1 E+04	1 E+07	В
Rn-222*	1 E+01	1 E+08	Г
Ra-226*	1 E+01	1 E+04	Б
Ra-228*	1 E+01	1 E+05	Б
Ac-228	1 E+01	1 E+06	В
Th-228*	1 E+00	1 E+04	Б

Нуклид	МАСА, Бк/г	МАО, Бк	Хавфлилик гуруҳи
Th-230	1 E+00	1 E+04	Б
табiiй — Th (Th-232 қўшилган ҳолда)	1 E+00	1 E+03	А
Cd-109	1 E+04	1 E+06	В
Th-234*	1 E+03	1 E+05	Б
U-234	1 E+01	1 E+04	Б
U-235*	1 E+01	1 E+04	Б
U-238*	1 E+01	1 E+04	Б
табiiй — U	1 E+00	1 E+03	А
Pu-238	1 E+00	1 E+04	Б
Pu-239	1 E+00	1 E+04	Б
Am-241	1 E+00	1 E+04	Б
Cf-252	1 E+01	1 E+04	Б
Pm-147	1 E+04	1E+07	В

Изоҳ: * Қуйидаги тегишли радионуклидлар ҳосил бўлган радионуклидлар билан мувозанат ҳолатида келтирилган.

Pb-210	Bi-210, Po-210
Rn-220	Po-216
Rn-222	Po-218, Pb-214, Bi-214, Po-214
Ra-226	Rn-222, Po-218, Pb-214, Bi-214, Po-214, Pb-210, Bi-210, Po-210
Ra-228	Ac-228
Th-228	Ra-224, Rn-220, Po-216, Pb-212, Bi-212, Tl-208 (0.36), Po-212 (0.64)
табiiй — Th	Ra-228, Ac-228, Th-228, Ra-224, Rn-220, Po-216, Pb-212, Bi-212, Tl-208 (0.36), Po-212 (0.64)
Th-234	Pa-234m
U-235	Th-231
U-238	Th-234, Pa-234m
табiiй — U	Th-234, Pa-234m, U-234, Th-230, Ra-226, Rn-222, Po-218, Pb-214, Bi-214, Po-214, Pb-210, Bi-210, Po-210

Изоҳлар:

1. Актив даражалари жадвалда келтирилган активликдан кам бўлганда ходимлардан бўлган шахслар ва аҳолининг йиллик индивидуал нурланиши таъсири даражаси 10 мкЗв дан ва авария ҳолатида эса 1 мЗв дан, жамоавий таъсир даражаси 1 инс.-Звдан ошмайди. Терига эквивалент нур даражаси 50 мЗв/йил дан ошмайди.

2. Табiiй радионуклидлар техноген нурланиш манбаларидан истеъмол товарларига ўтганида (масалан, Ra-226, Po-210) ёки кимёвий захарлилиги бўйича (торий, уран ва бошқалар учун) баҳоланади.

3. Бир қанча нуклидлар бирга бўлганда уларнинг умумий активлиги жадвалдаги қийматига нисбатан бирликдан ошмаслиги керак. Ушбу иловада келтирилган радионуклидлар жами активликнинг минимал қийматига боғлиқ равишда (МАО) радиациявий хавфлилик бўйича 4 гуруҳга бўлинади:

А — 1×10^3 Бк;

Б — 1×10^4 и 1×10^5 Бк;

В — 1×10^6 и 1×10^7 Бк;

Г — 1×10^8 и 1×10^9 Бк, ҳамда Кг-83m, Кг-85m ва Хе-135m.

4. Жадвалда кўрсатилмаган радионуклидларнинг МАСА, МАА ва радиациявий хавфлилик гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Радиоактив моддалар ва радиоактив
чиқиндилар айланишини давлат томонидан
ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Суюқ ва қаттиқ ҳолатдаги РЧ таснифи

Чиқиндилар категорияси	Солиштирма активлик, кБк/кг		
	бета-нур чиқарувчи радионуклидлар	альфа-нур чиқарувчи радионуклидлар (трансуранли- лардан ташқари)	трансуранли радионук- лидлар
Паст активликдагилар	10^3 дан кам	10^2 дан кам	10^1 дан кам
Ўртача активликдагилар	10^3 дан 10^7 гача	10^2 дан 10^6 гача	10^1 дан 10^5 гача
Юқори активликдагилар	10^7 дан ортиқ	10^6 дан ортиқ	10^5 дан ортиқ

Радиоактив моддалар ва радиоактив
чиқиндилар айланишини давлат томонидан
ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Газ ҳолатидаги РЧ таснифи

Чиқиндилар категорияси	Ҳажмли активлик, Ки/мқ
Паст активликдагилар	10^{-10} дан паст
Ўрта активликдагилар	10^{-10} дан 10^{-6} гача
Юқори активликдагилар	10^{-6} дан юқори

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 13 августдаги 231-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ядровий материаллар айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ядровий материалларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

ядровий материаллар айланиши субъектлари — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ионлаштирувчи нурланиш манбаларини қазиб олиш, ишлаб чиқариш, ҳосил қилиш, қайта ишлаш, улардан фойдаланиш, уларни сақлаш, уларга хизмат кўрсатиш, уларни ташиш, шу жумладан уларнинг Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали олиб ўтилиши, зарарсизлантирилиши ва кўмиб ташланиши бўйича ядровий материаллар айланиши соҳасидаги фаолиятни амалга оширадиган юридик шахслар;

ядровий материалларни ҳисобга олиш ва назорат қилишдаги аномалиялар — ядровий материалларнинг етишмаслиги (ортиқчалиги), ҳисобга олиш ва ҳисобот ҳужжатларидаги хатолар, ядровий материалларни назорат қилиш воситаларининг бузилиши, ишламаслиги, ядровий материалларни ишлатиш ва бериш тартибининг бузилиши;

атрибутлар — кўриб ёки иш воситалари билан текширишни амалга ошириш мумкин бўлган предметнинг тавсифи (масалан, предметнинг идентификатори, предметнинг жойлашиши, предметдаги аралашини индикация қилиш воситасининг аҳволи, предметнинг геометрик ўлчамлари, нетто ва брутто оғирлиги ва ҳоказолар);

атрибутив белгилар — предметнинг у ёки бу атрибутларининг борлиги ёки йўқлигини бир хил маънода тасдиқловчи белгилар;

ядровий материаллар баланси — баланслараро даврда баланс материал зонасида ҳужжатларда белгиланган ва мавжуд ядровий материаллар миқдорининг қиёсий якуни;

ядровий материаллар турлари — изотоп таркиби маълум бир чегарадаги ядровий материаллар. Ядровий материалларнинг турлари республика миқёсида ядровий материалларни ҳисобга олиш ва назорат қилишни амалга оширувчи «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг тартибга солувчи ҳужжатлари асосида белгиланади;

юқори бойитилган уран (ЮБУ) — уран 235 изотопи бўйича бойитилиши 20% дан кам бўлмаган уран;

паст даражада бойитилган уран — уран 235 изотопи бўйича бойитилиши 20% дан кам бўлган уран;

материаллар баланси зонаси (МБЗ) — ядровий материалларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш учун ядровий қурилма ёки ядровий материалларни сақлаш пункти доирасида ҳудудий ва маъмурий белгиланган зона. Зонада ўлчашлар асосида ядровий материалларнинг зона ичида ёки унинг ташқарисида ҳар бир жойи ўзгартирилишида миқдори белгиланади ва белгиланган вақт давридаги ядровий материаллар баланси чиқарилади;

инвентаризация фарқи — ядровий материалларнинг амалда мавжуд ва ҳужжатларда белгиланган миқдори ўртасидаги фарқ;

физик инвентаризация — МБЗдаги мавжуд ядровий материалларнинг ҳақиқий миқдорини аниқлаш;

ядровий материалларнинг категориялари — ядровий материалларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш нуқтаи назаридан ядровий материалларнинг миқдорий тавсифи;

асосий ўлчаш нуқтаси — ядровий материалларнинг оқими ва мавжуд миқдори ўлчаниши мумкин бўлган жой;

ядровий материалларни назорат қилиш — ядровий материалларнинг мавжуд миқдори ва олиб ўтилишини маъмурий назорат қилиш. Бу ядровий материаллар, ускуналар ва маълумотлардан фойдаланишни назорат қилишни, ядровий материалларни кузатишни, ядровий материалларнинг рухсат берилган жойлашиши ва жойи ўзгартирилишини текширишни ўз ичига олади;

ядровий материалларни назорат текширувидан ўтказиш — ядровий материаллар мавжудлигини атрибутив белгилар бўйича ҳисобга олиш бирликлари шаклида текшириш;

материал-балансли ҳисобот — баланслараро даврда ядровий материалларнинг мавжуд миқдори ва баланси тўғрисидаги белгиланган шаклда тузилган ҳисобот;

баланслараро давр — кетма-кет икки физик инвентаризация ўртасидаги давр;

ядровий материаллар (ЯМ) — таркибида ядро моддалари мавжуд бўлган ёки бўлинадиган (парчаланадиган) ядро моддалари ишлаб чиқаришга қодир бўлган, шунингдек таркибида ядро материаллари бўлмаган ёки ядро материаллари ишлаб чиқаришга қодир бўлмаган, бироқ ядро ичидаги энергияси портлаб ажралиб чиқилишига (ядро портлаши) мўлжалланган қурилмаларда фойдаланилиши мумкин бўлган материаллар.

II. Ядровий материалларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш

3. Ядровий материаллар ушбу Низомга 1-иловада кўрсатилган энг кам миқдордан бошлаб давлат томонидан ҳисобга олинади ва назорат қилинади.

4. Ядровий материаллар давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг тартиб-қоидаларини, методларини аниқлашга табақалаштирилган ёндашишни таъминлаш мақсадида категориялар бўйича таснифланади.

5. Ядровий материаллар айланиши субъектлари МБЗни ядровий қурилма ёки ядровий материалларни сақлаш пункти чегарасида белгилайдилар.

6. Ҳар бир МБЗда ядровий материалларнинг асосий ўлчаш нуқтаси аниқланади.

7. Ядровий материалларга нисбатан олдинги миқдорий тавсифларни ўлчаш ва ядровий материаллар атрибутив белгилари ишончилигини тасдиқлайдиган фойдаланишни назорат қилиш воситалари қўлланилади.

8. Ядровий материалларни ҳисобга олиш уларнинг миқдорий тавсифини ўлчаш натижаларига асосланади.

Қуйидагиларга:

агар ядровий материаллар миқдорий тавсифининг олдинги ўлчаниши натижалари ишончилиги қўлланилган фойдаланишни назорат қилиш воситаларининг зарур ҳолати, тегишли тасдиқловчи ўлчашлар билан тасдиқланса, ушбу натижалардан фойдаланишга;

олдиндан ўлчаш, экспериментал тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳисоб-китоб усули (методикалар)ни қўллашга йўл қўйилади.

9. Ядро реакторида жойлашган маҳсулотлардаги ядровий материаллар массаси ҳисобга олиш мақсадида реакторга жойланишидан то реактордан нурланган маҳсулотлар чиқариб ташланишига қадар ўзгармайди деб қабул қилинади.

10. Ядровий материалларнинг амалдаги мавжуд миқдорини аниқлаш мақсадида МБЗда физик инвентаризация ўтказилади. Ядровий материалларнинг физик инвентаризацияси жараёнида ҳисобга олиш маълумотлари, атрибутив белгилар, ядровий материалларнинг миқдорий тавсифини ўлчаш текширилади. Физик инвентаризация тугаллангандан кейин ядровий материаллар баланси чиқарилади, инвентаризация фарқи ва ҳар бир ядровий материал учун МБЗда унинг нуқсонини аниқланади.

Аниқ бир ядровий материалнинг МБЗдаги инвентаризация фарқи қуйидаги тенглама билан аниқланади:

$$\mathbf{ИФ = ФМ - ХМ = НМ - КўМ + КаМ - НМ,} \text{ бунда,}$$

ФМ — ядровий материалларнинг МБЗдаги амалдаги мавжуд миқдори, бу ушбу физик инвентаризация натижасида аниқланади;

ХМ — инвентаризацияни ўтказиш бошида МБЗдаги ҳужжатлар билан рўйхатга олинган ядровий материаллар миқдори;

КўМ — муайян балансларо даврда барча тушумлар, ишлатишлар ва ҳоказолар натижасида МБЗдаги ядровий материаллар миқдорининг аниқланган ва ҳужжатларда қайд этилган кўпайиши;

КаМ — муайян балансларо даврда МБЗдан барча жўнатилишлар, ядровий айланиш, нобудгарчилик ва ҳоказолар натижасида МБЗдаги ядровий материаллар миқдорининг аниқланган ва ҳужжатларда қайд этилган камайиши;

НМ — ушбу балансларо давр бошида МБЗдаги ядровий материалларнинг аниқланган ва ҳужжатларда рўйхатга олинган мавжуд миқдори.

11. Ядровий материалларнинг амалдаги мавжуд миқдорини аниқлаш натижалари асосида, шунингдек инвентаризация фарқининг олинган миқдорини унинг йўл қўйиладиган миқдори билан таққослаш йўли билан ҳар бир МБЗ учун ядровий материалларнинг камомади (ортиқчалиги) ёки ядровий материалларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилишда аномалиялар йўқлиги тўғрисида хулосалар чиқарилади.

12. Ядровий материалларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг барча даражалари учун ҳисоботнинг ягона тизими белгиланади.

13. Ҳисобга олиш маълумотларини тузатишга фақат хато ёзувни сақлаб қолган ҳолда ҳисобга олиш ҳужжатларига янги ёзувларни киритиш йўли билан йўл қўйилади.

14. Ҳисобот маълумотларини тузатишга фақат янги ҳисобот ҳужжатларини тақдим этиш йўли билан йўл қўйилади.

15. Республика даражасида ядровий материалларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилишни амалга оширувчи «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси, ядровий материаллар айланиши субъектлари ядровий материалларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимида, шу жумладан МБЗда маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ва сақланишини таъминлайди.

III. Назорат қилиниши керак бўлган ядровий материаллар

16. Ўзбекистон Республикасида қўйидагилар давлат томонидан ҳисобга олиниши ва назорат қилиниши керак:

а) ядровий материаллар:

плутоний;

уран;

уран-233;

уран-235;

б) махсус ноядровий материаллар:

торий;

оғир сув.

1-§. Давлат ҳисобига қўйиш ва давлат ҳисобидан чиқариш

17. Барча маҳсулотлар таркибидаги ядровий материаллар давлат томонидан ҳисобга олинади ва назорат қилинади, қўйидагилар бундан мустасно: рудадаги, шунингдек кон-металлургия корхоналарида қайта ишланадиган оралиқ маҳсулотлардаги уран;

рудадаги, шунингдек кон-металлургия корхоналарида қайта ишланадиган оралиқ маҳсулотлардаги торий;

ионлаштирувчи нурланишнинг ёпиқ манбаларида сақланадиган ядровий материаллар;

радиоактив моддаларни ташиш ва сақлашда радиациявий химоя учун ишлатиладиган транспорт ўраш комплектларидаги химоя контейнерларида, гамма-дефектоскоплар радиация каллакларида, гамма-терапевтик аппаратларнинг нурлантирувчи каллакларида, транспорт-қайта зарядлаш контейнерларидаги ва бошқа шунга ўхшаш махсулотлардаги кучсизлантирилган уран;

18. Қуйидагилар давлат ҳисобидан чиқарилиши керак:

МБЗдан ядровий материаллар айланишининг истеъмол қилувчи субъектига тайёр буюмлар шаклида юборилаётган вақтдан бошлаб ташиш ва сақлашда радиациявий хавфсизлик учун ишлатиладиган транспорт ўраш комплектларидаги химоя контейнерлари, гамма-дефектоскоплар радиация каллаклари, гамма-терапевтик аппаратларнинг нурлантирувчи каллаклари, транспорт-қайта зарядлаш контейнерлари ва шунга ўхшаш бошқа махсус буюмларни тайёрлаш учун фойдаланилган кучсизлантирилган уран;

радиоактив чиқиндилар омборларида сақланаётган радиоактив чиқиндилар таркибидаги ядровий материаллар.

19. Ядровий материаллар ишлаб чиқарилгандан кейин ёки шу ядровий материаллар айланиши субъектининг бошқа МБЗдан, ёки ядровий материаллар айланиши бошқа субъектининг МБЗдан келиб тушганда МБЗда ҳисобга қўйилиши керак.

20. Ядровий материаллар ядровий материаллар айланиши айти бир субъектининг бошқа МБЗга, ёки ядровий материаллар айланиши бошқа субъектининг МБЗга жўнатилгандан кейин МБЗда ҳисобдан чиқарилади.

21. Ядровий материалларни ядровий материаллар, радиоактив моддалар, ионлаштирувчи нурланиш манбалари ва радиоактив чиқиндилар миллий реестрига киритиш (кейинги ўринларда — миллий реестр деб юритилди) ва миллий реестрдан чиқариш «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг рухсати билан ядровий материаллар айланиши субъекти тақдим этган ҳисобот ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

22. Ядровий материаллар айланиши субъектининг ядровий ускунасида, ядровий материалларни сақлаш пунктида жойлашган ядровий материаллар, шунингдек ядровий материаллар айланиши субъекти қабул қилаётган ёки жўнатаётган ядровий материаллар, агар улар массаси қиймати ҳар қандай 12 ойлик давр мобайнида ушбу Низомга 1-иловада кўрсатилган энг кам миқдорга тенг бўлса ёки ундан ортиқ бўлса давлат томонидан ҳисобга олинади ва назорат қилинади.

23. Агар ядровий материаллар айланиши субъектида ядровий материаллар мажмуи ёки аралашмасида ядровий материаллар мавжуд бўлган махсулотлар бўлса, ушбу Низомга 1-иловада кўрсатилган ядровий материалларнинг ҳеч бўлмаганда бир минимал миқдоридан ошган тақдирда ушбу Низомнинг амал қилиши улар учун татбиқ этилади.

24. Ҳисобот ҳужжатларида ядровий материалларнинг массаси қиймати ҳар бир ядровий материал учун ушбу Низомга 1-иловада кўрсатилган охириги кўрсаткич рақамларга мувофиқ кўрсатилади.

25. Ядровий материалларнинг МБЗдаги категориялари ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ белгиланади.

26. Агар ушбу МБЗда таркибида ядровий материаллар бўлган ҳар хил маҳсулотлар бўлса, ядровий материалнинг категориясини аниқлашда барча маҳсулотлар таркибида мавжуд бўлган ядровий материалларнинг биргаликдаги массасидан ва ушбу Низомга 2-иловада кўрсатилган камроқ рақамли категорияга тушадиган маҳсулотлар ядровий материаллар массаси миқдорий чегараларидан келиб чиқилади.

2-§. Материаллар баланси зонаси ва асосий ўлчаш нуқталари

27. МБЗ сони ва чегараси ядровий материаллар айланиши субъекти томонидан ҳар бир МБЗда ва ядровий материалларнинг МБЗлар ўртасида жойи ўзгартирилишида ядровий материалларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилишни таъминлаш талабларидан келиб чиқиб белгиланади.

28. МБЗ қўйидаги талаблар ҳисобга олинган ҳолда ташкил қилинади:

МБЗга келиб тушадиган ёки МБЗ дан жўнатиладиган ядровий материал массаси ядровий материалларнинг ўлчанган тавсифлари (ҳисоб-китоб методикалари қўлланилишига йўл қўйиладиган ҳоллар бундан мустасно) ҳисобга олиш бирликларини, ичида ядровий материал бўлган идишларни тўлиқ қайта ҳисоблаб чиқиш ва идентификациялаш асосида, илова қилинган ҳужжатлар маълумотлари, ядровий материалларнинг паспортига оид маълумотлар бўйича белгиланади;

завод лабораториялари, тўхташ зоналари ва омборлар, шунингдек ахборотнинг махсус ҳимоя қилинишини талаб қиладиган ядровий материаллар участкалари сингари ядровий материаллар айланиши субъектининг таркибий бўлинмалари алоҳида МБЗга ажратилади.

29. МБЗда ўлчашнинг асосий нуқталари белгиланади. Уларда аттестациядан ўтказилган қўлланиш методикалари ва воситалар ёрдамида ядровий материалларнинг миқдори, массаси, изотоп таркиби, бошқа миқдорий тавсифлари ўлчанади ёки уларнинг атрибутив белгилари текширилади.

МБЗда ўлчашнинг асосий нуқтасини танлаш МБЗдаги ядровий материаллар оқими ва амалда мавжуд миқдорини ўлчашни таъминлайдиган тарзда амалга оширилади.

IV. Ядровий материалларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш учун ядровий материалларни ўлчаш тизими ва ўлчаш сифатини назорат қилиш дастури

30. Ҳар бир МБЗ учун асосий ўлчаш нуқталари, ўлчашларни бажариш методикалари, техник воситалар, намуна учун танлаб олиш тартиб-қоидалари рўйхатини, ўлчашнинг аниқлигини талаб қиладиган ўлчашларни даврий ўтказиш маълумотларини, ўлчаш натижаларини тақдим этиш муддатлари ва шакллариини ўз ичига оладиган ўлчаш дастури ишлаб чиқилади. Дастур

ядровий материаллар айланиши субъектлари раҳбарлари томонидан тасдиқланади ва беш йилда камида бир марта қайта кўриб чиқилади.

31. Ўлчашларни бажариш методикаси амалдаги давлат стандартлари талабларига мувофиқ тузиладиган алоҳида норматив ҳужжатлар шаклида расмийлаштирилади.

32. Ўлчашларни бажариш методикаси амалдаги давлат ёки тармоқ дастурлари талабларига мувофиқ метрологик аттестациядан ўтиши керак. Ядровий материалларни ўлчаш тизимида ўлчашларни бажариш методикасининг аниқлиги кўрсаткичлари тавсия этилган халқаро мақсадли қийматларга энг кўп даражада яқинлаштирилган бўлиши керак.

33. Ўлчаш воситаларини ростлаш намуналари ва ўлчаш натижалари тўғрилигини текшириш амалдаги давлат стандартлари талабларига мувофиқ метрологик аттестациядан ўтиши ва номи, типи ва аттестациядан ўтказиладиган миқдор ва унинг нуқсонлари кўрсатилган ҳолда аттестация тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлиши керак.

34. Ядровий материалларни ўлчаш тизимида фойдаланиладиган ўлчаш воситалари рўйхатида воситанинг номи, унинг типи, маркаси, завод тартиб рақами бўлиши керак.

35. Ўлчаш воситалари амалдаги норматив ҳужжатларга мувофиқ текширилиши керак.

36. Ядровий материаллар айланишининг ҳар бир субъектида ядровий материалларни ўлчаш тизими доирасида ўлчашлар сифатини назорат қилиш дастури ишлаб чиқилади ва жорий этилади.

V. Ядровий материалларни бериш тартиб-қоидаси

1-§. Умумий талаблар

37. Ядровий материаллар айланиши субъектлари томонидан ядровий материалларни олиш ва беришга ядровий материаллар айланиши билан боғлиқ ядровий материаллар айланиши субъектининг объектлари санитария-гигиена ҳолати тўғрисида санитария-эпидемиология станцияси тегишли ҳудудий органининг хулосаси мавжуд бўлган тақдирда белгиланган тартибда «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан рухсат берилади.

38. Ядровий материалларни бериш:

ядровий материаллар айланиши субъектлари раҳбарлари томонидан имзоланган дастлабки билдиришномаларни;

кирим-чиқим ва илова қилинадиган ҳужжатларни расмийлаштирган ҳолда амалга оширилади.

39. Илова қилинадиган ҳужжатларда ядровий материаллар жойлаштирилган контейнерлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади (муҳрлар (тамғалар)нинг типлари ва индентификаторлари, контейнерларнинг брутто-масаси ва бошқа зарур маълумотлар). Жойи ўзгартирилаётган ядровий материалларнинг тавсифлари тўғрисидаги маълумотлар (паспортга оид маълумот-

лар) махсус почта билан ёки юк билан бирга жўнатиладиган ҳужжатларда келтирилади.

40. Ядровий материалларни беришда қуйидаги тартиб-қоидалар бажарилади:

ташқи кўздан кечириш ва ҳисобга олинadиган бирликлар (контейнерлар) сонини текшириш, транспорт воситасига ва (ёки) ядровий материаллар бор бўлган контейнерга нисбатан қўлланиладиган аралашини индикация қилиш қурилмаси текширилади (контейнерлар, муҳрлар (тамғалар)ни текширишни, контейнерларнинг идентификаторлари, муҳрлар (тамғалар) ва жойлаштириш жойлари илова қилинадиган ҳужжатларнинг мувофиқлигини текширишни ўз ичига олади);

ядровий материаллар бор бўлган контейнерларнинг брутто-массаси, уларнинг параметрлари ўлчанишини тасдиқлайдиган тартиб-қоидалар бажарилади.

41. Тасдиқловчи ўлчашлар тури ва ҳажми ушбу ўлчашларни бажарадиган ядровий материаллар айланиши субъектининг ҳужжатлари билан қуйидагилардан келиб чиқиб белгиланади:

бериш тури (ядровий материаллар айланиши бир субъектининг МБЗ ўртасида, ядровий материаллар айланиши субъектлари ўртасида, экспорт-импорт);

ядровий материаллар турлари;

ядровий материаллар миқдори;

маҳсулотлар турлари;

идишлар ва аралашини индикация қилиш воситалари турлари;

ўлчашларнинг нуқсонлари.

42. Кириш (чиқиш) назорати жараёнида ўлчашлар натижасида олинган маълумотлар ҳужжатлар билан расмийлаштирилади. Бунда ўлчашлар воситалари ва методлари тўғрисидаги маълумотлар, ўлчашлар натижалари, ўлчашларнинг нуқсонлари, ўлчаш бажарилган асосий ўлчаш нуқталари, аралашини индикация қилиш қурилмалари типлари ва идентификаторлари, ўлчашлар ўтказилган сана ва ўлчашни бажарган шахсларнинг фамилияси келтирилиши керак.

2-§. Ядровий материаллар олинishi ва жўнатилишини ҳужжатлаштириш

43. Ядровий материалларни олишда ядровий материаллар айланиши субъекти томонидан уч иш куни мобайнида ядровий материаллар мавжуд бўлган идишларнинг атрибутив белгилари текширилади ва тасдиқловчи ўлчашлар бажарилади. Мулоҳазалар мавжуд бўлмаган тақдирда ядровий материалларни дастлабки қабул қилиш ва ҳисобга қўйиш амалга оширилади.

Ядровий материалларни узил-кесил қабул қилиш ва ҳисобга қўйиш, агар халқаро ёки ҳукуматлараро битимда ёки шартномада ўзгача ҳол қайд этилмаган бўлса, ядровий материаллар ва уларга паспортлар (формуля-

торлар, сертификатлар) олингандан кейин 10 суткадан кечикмай амалга оширилади.

44. Ядровий материалларни жўнатишда ядровий материаллар айланиши субъекти ядровий материалларни бир иш куни мобайнида ҳисобдан чиқаради ва уларнинг паспортлари (формулярлари, сертификатлари)ни, агар халқаро ва ҳукуматлараро битим ёки шартномаларда ўзгача ҳол қайд этилмаган бўлса, уч иш куни мобайнида ядровий материаллар айланишининг олувчи субъектига жўнатади.

45. Олинган ядровий материаллар тўғрисидаги маълумотлар уни олган ядровий материаллар айланиши субъекти томонидан ҳисобга олиш ҳужжатларига киритилади. Жўнатилган ядровий материаллар тўғрисидаги маълумотлар уларни жўнатган ядровий материаллар айланиши субъектининг ҳисобга олиш ҳужжатларига киритилади.

3-§. Ядровий материалларни ҳисобга олиш ва назорат қилишда аномалиялар аниқлангандаги хатти-ҳаракатлар

46. Ядровий материаллар айланишининг жўнатувчи субъекти ва ядровий материаллар айланишининг олувчи субъекти маълумотлари ўртасида 0,99 ишончли эҳтимолидан келиб чиқиб, статистик аҳамиятли фарқлар аниқланган тақдирда, фарқнинг сабабларини аниқлаш чоралари кўрилади.

47. Агар ядровий материаллар айланишининг жўнатувчи субъекти ва ядровий материаллар айланишининг олувчи субъекти маълумотларининг статистик аҳамиятли фарқлари мавжудлиги тасдиқланса, у ҳолда ядровий материаллар айланишининг олувчи субъекти махсус ҳисобот тузиши ва уни «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига юбориши шарт.

VI. Физик инвентаризация, материал балансини чиқариш ва инвентаризация фарқини баҳолаш

1-§. Умумий талаблар

48. Физик инвентаризация:

МБЗда ядровий материалларнинг амалда мавжуд миқдорини аниқлаш; ҳисобга олиш бирликлари ҳақиқий параметрларининг тегишли ҳисобга олиш маълумотларига мувофиқлигини аниқлаш;

ядровий материаллар балансини чиқариш, инвентаризация фарқи ва унинг нуқсонларини аниқлаш;

ядровий материалларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилишдаги камчиликлар ва қоида бузилишларини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

49. Физик инвентаризация тартиб-қоидаси ядровий материаллар айланиши субъектларида амал қиладиган методикалар ва йўриқномаларга мувофиқ амалга оширилади.

50. Физик инвентаризация тартиб-қоидаси:

МБЗда физик инвентаризацияга тайёргарлик кўришга;

ядровий материалларнинг мавжуд миқдори рўйхатини ҳамда ядровий материалларнинг амалда мавжуд рўйхатини тузишга ва ҳисобга олиш ҳужжатларини текширишга;

ядровий материалларнинг мавжуд миқдори рўйхати ҳисобга олиш маълумотларига мувофиқлигини текширишга;

фойдаланишни назорат қилиш воситаларининг ҳолатини текширишга;

ядровий материалларнинг амалда мавжуд миқдорини ўлчашдаги нуқсонлар ҳисобга олинган ҳолда ҳисобга олувчи ва тасдиқловчи ўлчашларга;

ўлчаб бўлмайдиган нобудгарчилик ва унинг нуқсонлари миқдорини баҳолашга;

ҳар бир ядровий материал учун инвентаризация фарқи ва унинг нуқсонларини аниқлашга асосланади.

51. Ҳар бир МБЗдаги ядровий материаллар сони уларнинг сонини ва ўлчашларнинг асосий нуқтасида таркибини ўлчаш йўли билан аниқланади, тезкор-техник ҳисобга олиш ва назорат текширишлари, ҳисобга олиш ва ҳисобот ҳужжатларини даврий солиштириш йўли билан назорат қилинади ҳамда физик инвентаризация ўтказиш йўли билан текширилади. Физик инвентаризация баланслараро даврда МБЗда ҳар бир ядровий материал учун баланс чиқариш билан тугалланади.

52. Физик инвентаризацияни ўтказишда ҳар бир ядровий материалнинг массаси аниқланади. Ядровий материал массасининг қиймати, шунингдек 0,95 га тенг бўлган ишончли эҳтимоллик учун ўлчашнинг нуқсонлари қиймати ҳужжатлар билан рўйхатга олинади.

53. Ядровий материаллар массасининг илгари аниқланган қийматларидан фақат уларнинг ишончилиги уларни аниқлаш пайтидан улардан фойдаланиш пайтигача фойдаланишни назорат қилишнинг қўлланилган воситалари зарур ҳолатда эканлиги тасдиқланиши мумкин бўлган ва (ёки) ядровий материаллар миқдор параметрларини ва (ёки) уларнинг атрибутив белгиларини ўлчашнинг ҳисобга олиш тартиб-қоидаси бажарилиши жараёнида тасдиқланган ҳолларда ҳисобга олиш тартиб-қоидаларини бажаришда (физик инвентаризациялар, ядровий материалларни бериш ва хоказо) фойдаланилиши мумкин.

54. Тасдиқловчи ўлчашларни қўллаш ҳажми ҳар бир ядровий материал учун чегаравий миқдорининг камомади (ортиқчалиги)ни аниқлаш эҳтимолидан келиб чиқиб қўллаш ҳажмига ва фойдаланишни назорат қилиш воситаларини текшириш натижаларига боғлиқ ҳолда аниқланади.

55. Ҳисобга олиш ва тасдиқловчи ўлчашларнинг натижалари ўртасида статистик аҳамиятли фарқ аниқланган тақдирда бу ҳақда ядровий материаллар айланиши субъекти раҳбариятига маълум қилинади, шунингдек фарқ келиб чиқишининг сабаблари аниқлаштирилади. Зарурият бўлганда янги ҳисобга олиш ўлчашлари бажарилади ва ҳисобга олиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилади.

2-§. Физик инвентаризациялар такрорийлиги

56. Физик инвентаризациялар ҳар бир МБЗ учун даврий бажарилади, баланслараро давр эса МБЗда ядровий материаллар категориясига, ядровий материаллар айланиши субъектининг технологик ва бошқа хусусиятларига боғлиқ ҳолда белгиланади.

МБЗда физик инвентаризациялар қуйидаги вақт чегараларидан кам бўлмаган вақтда режалаштирилади, ташкил этилади ва ўтказилади:

1-категорияли ядровий материаллар мавжуд бўлган МБЗ учун — бир календарь ой;

2-категорияли ядровий материаллар мавжуд бўлган МБЗ учун — уч календарь ой;

3-категорияли ядровий материаллар мавжуд бўлган МБЗ учун — олти календарь ой;

4-категорияли ядровий материаллар мавжуд бўлган МБЗ учун — ўн икки календарь ой;

ядровий материаллар айланиши субъектининг барча МБЗ учун — ўн икки календарь ой.

57. МБЗда физик инвентаризациялар такрорийлиги ядровий материаллар айланиши субъекти томонидан тақдим этилган асослаш асосида ядровий материалларга фойдаланишни назорат қилишнинг кўшимча чора-тадбирларини кўришнинг мажбурийлиги шарти билан «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан ўзгартирилиши мумкин.

3-§. Ҳисобга олиш, ҳисобот ҳужжатлари ва ядровий материаллар берилганлиги тўғрисида дастлабки билдиришномалар

58. Ҳисобга олиш ҳужжатлари ҳар бир МБЗ учун юритилиши ва уларда ядровий материалнинг ҳар бир тури, шу жумладан МБЗда уларнинг сони ва МБЗда миқдорнинг ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

59. Ҳисобга олиш ҳужжатларида ҳар бир туркум учун ядровий материаллар миқдорининг барча ўзгаришлари, туркумнинг тавсифи ва туркумни шакллантириш учун бирламчи маълумотлар акс этирилади, ядровий материаллар миқдори ўзгариши санаси, ядровий материаллар айланишининг жўнатувчи субъекти МБЗ ва ядровий материаллар айланишининг олувчи субъекти МБЗ кўрсатилади.

60. МБЗда ядровий материалларнинг миқдор ва сифат ўзгаришларини, шу жумладан калибрлаш натижаларини аниқлаш, ўлчашларнинг барча воситаларини текшириш ва йўқлама қилиш учун фойдаланиладиган маълумотлар, намуна олиш ва уларнинг анализи натижалари тўғрисидаги маълумотлар, ўзгаришлар сифатини текшириш, ўлчашларнинг тасодифий ва тизимли нуқсонлари натижалари тегишли ҳужжатларда акс этирилади.

61. Ядровий материаллар айланишининг ҳар бир субъектида, ҳисобот

бериш шаклларининг ягона тизими доирасида ҳисобга олиш ҳужжатларига асосланган қуйидаги ҳисобот ҳужжатлари тузилади ва амал қилади:

- инвентар миқдорнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот;
- материал-балансли ҳисобот;
- ядровий материалларнинг мавжуд миқдори рўйхати;
- ядровий материалларнинг амалда мавжуд миқдори рўйхати;
- махсус ҳисобот.

62. Ядровий материаллар айланиши субъектининг ҳисобот ҳужжатлари мунтазамлилик асосида «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига юборилади.

63. Инвентар миқдорнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот, ядровий материалларнинг мавжуд миқдори рўйхатлари, ядровий материалларнинг амалда мавжуд миқдори МБЗ ва ядровий материаллар айланиши субъекти бўйича тузилади. Ушбу ҳисоботларда ядровий материалларнинг мавжуд миқдори ва уларнинг МБЗ ўртасида ёки ядровий материаллар айланиши субъектлари ўртасида жойи ўзгартирилиши тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлади.

64. Инвентар миқдорнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот, МБЗ бўйича ядровий материалларнинг мавжуд миқдори рўйхати бевосита ядровий материаллар миқдорининг ҳар бир ўзгариши билан боғлиқ воқеадан кейин ёки ушбу даврда юз берган ядровий материаллар миқдори ўзгариши бўйича ҳар ойда, бироқ кўрсатиб ўтилган ўзгаришлар юз берган ойнинг охиригидан 15 кундан кечикмай ядровий материаллар айланиши субъектида ядровий материалларнинг ҳисобини мунтазамлилик асосида амалга оширадиган хизматга юборилади.

65. Ядровий материаллар айланиши субъектининг инвентар миқдори ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот йилнинг ҳар чорагида юборилади ва унда ушбу даврда юз берган ядровий материаллар инвентар миқдори ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлади.

66. Ядровий материалларнинг инвентар миқдорида ўзгаришлар юз бермаган ҳисобот даврлари учун ядровий материаллар айланиши субъекти ва МБЗ ҳисобот даврида ядровий материалларнинг инвентар миқдори ўзгармаганлигини кўрсатган ҳолда белгиланган тартибда тўлдирилган ҳисобот шаклини юборадилар.

67. Физик инвентаризация натижалари бўйича МБЗда материал-балансли ҳисобот тайёрланади.

68. МБЗнинг материал-балансли ҳисоботида ҳар бир ядровий материаллар бўйича қуйидагилар алоҳида ёзувлар шаклида акс эттирилади:

- ядровий материалларнинг дастлаб рўйхатдан ўтказилган миқдори;
- ҳисобот бериладиган баланслараро даврда ядровий материаллар миқдорининг кўпайиши ва (ёки) камайиши;
- физик инвентаризация натижалари бўйича аниқланган ядровий материалларнинг энг сўнги амалда мавжуд миқдори;
- инвентаризация фарқи қиймати ва уни аниқлашдаги нуқсонлар.

69. Ядровий материаллар айланиши субъектининг материал-балансли ҳисоботида физик инвентаризация давомида аниқланган ядровий материал-

ларнинг амалда мавжуд миқдорига асосланган ядровий материаллар баланси акс эттирилади.

70. Ядровий материаллар айланиши субъектининг материал-балансли ҳисоботида ядровий материалларнинг ҳар бир тури бўйича қуйидагилар алоҳида ёзувлар шаклида акс эттирилади:

ядровий материалларнинг дастлаб рўйхатдан ўтказилган миқдори;

физик инвентаризация натижалари бўйича аниқланган ядровий материалларнинг энг сўнгги рўйхатдан ўтказилган ва амалда мавжуд миқдори;

71. Агар ядровий материалларнинг амалда мавжуд миқдорини ядровий материалларнинг мавжуд миқдори рўйхатида энг сўнгги рўйхатдан ўтказилган таққослашда аномалиялар аниқланган бўлса, у ҳолда материал-балансли ҳисоботга ядровий материалларнинг мавжуд миқдорини навбатдаги баланслараро давр учун бошланғич миқдор сифатида қабул қилишнинг асосланганлигини тасдиқлайдиган зарур ҳужжатлар илова қилинади.

72. Материал-балансли ҳисобот билан бир вақтда баланслараро давр охирида ядровий материалларнинг амалда мавжуд рўйхати тузилади.

73. МБЗда ядровий материалларнинг амалда мавжуд миқдори рўйхати ядровий материалларнинг ҳар бир туркуми ва тури учун идентификация тавсифлари ва бошқа тавсифлар алоҳида кўрсатилган ҳолда материалнинг ҳар бир тури ва туркуми учун физик инвентаризация санасига изчил ёзувлар шаклида тузилади.

74. Материал-балансли ҳисобот ва МБЗ ядровий материалларнинг амалда мавжуд миқдори рўйхати МБЗда ҳисобига олиш ва назорат учун масъул бўлган шахс томонидан ядровий материалларнинг мавжуд миқдори аниқлангандан кейин 15 кундан кеч бўлмаган муддатда ядровий материаллар айланиши субъектининг ядровий материалларини ҳисобга олиш хизматида юборилади.

75. Ядровий материаллар йўқотилганлиги, ўғирланганлиги, улардан руҳсатсиз фойдаланилганлиги аниқланган тақдирда, шунингдек жўнатувчи ва олувчи ядровий материаллар айланиши субъектларининг маълумотлари инвентаризация фарқи ёки статистик аҳамиятли тафовути қиймати учун белгиланган чегарадан чиқилган тақдирда махсус ҳисобот ядровий материаллар айланиши субъекти томонидан тузилади.

Махсус ҳисобот юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар аниқланган пайдан бошлаб 24 соат мобайнида «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига тақдим этилади.

76. Махсус ҳисоботда қуйидагилар мавжуд бўлади:

уларга нисбатан руҳсат берилмаган хатти-ҳаракатлар юз берган ядровий материаллар билан боғлиқ ҳолатлар, воқеалар ва (ёки) воқеалар туркумининг тавсифи;

идентификация ва ядровий материаллар турини аниқлаш;

ядровий материалларнинг миқдорий тавсифини аниқлаш учун бирламчи маълумотлар;

юзага келган муаммоларни ҳал этиш учун кўрилган чора-тадбирлар ва кейинги хатти-ҳаракатлар дастури.

77. МБЗ бўйича ядровий материаллар айланиши субъектининг ҳисобот ҳужжатлари сўров бўйича «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига тақдим этилади.

78. Ядровий материалларни ядровий материаллар айланишининг бошқа субъектига беришда, улар жўнатилишидан камида етти кун олдин, ядровий материаллар айланишининг жўнатувчи субъекти «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига бу ҳақда дастлабки билдиришномани юборди.

79. Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда, шунингдек ядровий материаллар ҳар хил идораларнинг ядровий материаллар айланиши бошқа субъекти томонидан берилганда ядровий материаллар айланишининг жўнатувчи ва олувчи субъектлари мўлжалланаётган жўнатиш (олиш) санасидан камида 15 кун олдин «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига дастлабки билдиришномаларни юбордилар.

Режадан ташқари жўнатишлар юз берган тақдирда, республика, идоравий ва минтақавий даражалардаги ИНБни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимининг ваколатли давлат органларининг махсус фармойиши бўйича дастлабки билдиришномалар жўнатиш муддатлари аниқлангандан кейин уч кундан кечикмай юборилади.

80. Ушбу Низомнинг 78 ва 79-бандларида кўрсатилган ҳолларда, ядровий материаллар олинганда ва ҳисобга қўйилгандан кейин, ядровий материаллар айланишининг олувчи субъекти «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига тегишли позициялар тўлдириладиган дастлабки билдиришномалар шаклидан фойдаланган ҳолда унинг олинганлигининг тасдиғини юборди.

4-§. Ядровий материаллар айланиши субъектларида ядровий материалларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш

81. Ядровий материаллар айланиши субъектларида ядровий материалларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш норматив ва техник ҳужжатларни, ядровий материалларни ўлчаш тизимини, ҳисобга олиш ва ҳисобот ҳужжатларини ўз ичига олади.

82. Ядровий материаллар айланиши субъектининг раҳбари томонидан ядровий материалларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тўғрисидаги Низом (йўриқнома) ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Низом (йўриқнома)да қуйидагилар белгиланади:

ядровий материаллар айланиши субъектида ва МБЗда ядровий материалларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш ишларини ташкил этиш, ядровий материалларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш билан шуғулланадиган ходимлар (персонал) тузилмаси ва таркиби. Ушбу ходимлар (персонал)нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўлинма тўғрисидаги низомлар, лавозим ва иш йўриқномалари билан белгиланади;

МБЗ сони, уларнинг чегаралари ва тузилмаси;

ядровий материаллар айланиши субъектларида қўлланиладиган ядровий материалларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш учун методика ва ўлчаш воситалари;

ядровий материаллардан фойдаланишни назорат қилиш воситалари;
ҳисобга олиш ва ҳисобот ҳужжатлари рўйхати ва шакллари;

МБЗда ядровий материалларни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг ҳолатини назорат қилиш тартиби;

ядровий материалларни ҳисобга олиш ва назорат қилишда аномалияларни текшириш тартиби;

ходимлар (персонал)ни ядровий материалларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш ишларига тайёрлаш ва қўйиш тартиби;

МБЗда ва умуман ядровий материаллар айланиши субъектида ядровий материалларнинг мавжуд миқдори рўйхатини тузиш муддатлари;

физик инвентаризацияларни ўтказиш тартиби.

83. МБЗда ядровий материалларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимида ҳисобга олиш бирликлари идентификаторлари, аралаштириш индикацияси қурилмаси идентификаторлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш ишончилиги ва ҳисобга олиш бирликлари жойлашган жой ишончилиги камида 99% бўлиши керак.

84. Ҳар бир МБЗ учун ядровий материаллар айланиши субъекти раҳбари томонидан ядровий материалларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Йўриқномада қуйидагилар белгиланади:

ўлчашнинг асосий нуқталари, шунингдек уларда қўлланиладиган ўлчаш методикаси ва воситалари;

ядровий материаллардан фойдаланишни назорат қилиш воситалари;

ушбу МБЗда қўлланиладиган ядровий материалларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиб-қоидаси;

ядровий материалларнинг технологик нобудгарчилигини баҳолаш тартиб-қоидаси.

85. Ядровий материалларнинг ҳар қандай технологик нобудгарчилиги ўлчашлар ёки дастлабки ўлчашлар ёки экспериментал тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳисоблаб чиқилган методикалар ёрдамида аниқланади. Ядровий материалларнинг энг кўп йўл қўйиладиган технологик нобудгарчилиги миқдори «Саноатконттехназорат» давлат инспекцияси билан келишилади.

86. Ядровий материаллар айланиши субъекти раҳбарининг буйруғи билан ҳар бир МБЗ учун ушбу МБЗдаги ядровий материаллар учун моддий жавобгар шахслар (омборчилар, масъул сақловчилар ва ҳоказолар) тайинланади. Улар билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартномалар тузилади.

87. Ядровий материалларни моддий жавобгар шахсдан бошқа шахсларга, бир технологик операциядан бошқасига ёки сменалар ўртасида бериш ҳужжатлар билан расмийлаштирилади.

VII. Ядровий материалларни ҳисобга оладиган ва назорат қиладиган ходимларга (персоналга) қўйиладиган талаблар

88. Ядровий материалларни ҳисобга оладиган ва назорат қиладиган ходимлар (персонал) тегишли тартиб-қоидаларни бажариш бўйича ўқитилди, шунингдек ядровий материаллар айланиши субъектларида белгиланган тартибга мувофиқ уларнинг билимлари вақти-вақти билан текширилади.

89. Ядровий материалларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиб-қоидалари билан боғлиқ билимларни текширишнинг даврийлиги ходимлар (персонал)нинг ҳар хил категориялари учун ядровий материаллар айланиши субъекти раҳбари томонидан белгиланади. Текшириш уч йилда камида бир марта ўтказилади.

VIII. Ушбу Низомни бузганлик учун жавобгарлик

90. Ушбу Низом бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

Ядровий материаллар айланишини
давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Ядровий материалларнинг ядровий материаллар айланиши субъектларида давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш лозим бўлган минимал МИҚДОРИ

Т/р	Ядровий материал	Ядровий материалнинг энг кам миқдори	Ҳисобот ҳужжатларида ядровий материал массасининг охириги қийматли рақами
1.	Плутоний	15 г	1 г
2.	Уран-233	15 г	1 г
3.	U-235 изотопи бўйича 10% юқори бойитилган уран	15 г U-235 изотопи бўйича	1 г
4.	U-235 изотопи бўйича 10 фоиздан паст бойитилган уран, бироқ табиийдан юқори	15 г U-235 изотопи бўйича	0,1 кг
5.	Ушбу Низомнинг 1 — 5-бандларида санаб ўтилган ядровий материалларнинг йигиндис	15 г Pu, U-233, U-235 ва Np-237 жами огирлиги бўйича	1 г
6.	Таркибида U-235 изотопи 0,72 фоиздан ошмаган уран	500 кг	1 кг
7.	Торий	500 кг	1 кг
8.	Оғир сув	200 кг	1 кг

Ядровий материаллар айланишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Маҳсулотлар	Ядровий материал	Ядровий материал массаси, кг, камида
1-категорияли ядровий материаллар		
Металл маҳсулотлар: металл буюмлар, бирикмалар; қуймалар, заррачалар, уларнинг қотишмаси ва қоришмаси; ёқилги элементлари ва йиғилмалари, металл ва интерметалл ёқилги; аралашмасиз қайта эритиш йўли билан қайта ишланадиган брак қилинган буюмлар ва чиқиндилар	<i>Pu, U-233</i>	Pu ва U-233 бўйича жами массаси 2
	ЮБУ	U-235 изотопи бўйича 5
	Қоришма, Pu, U-233, ЮБУ ва бошқа ядровий материаллар бирикмаси	Pu, U-233, U-235, Np-237, Am, Cf бўйича жами массаси 2
Таркибида ядровий материаллар юқори миқдорда бўлган маҳсулотлар: карбидлар, оксидлар, хлоридлар, нитридлар, фторидлар, уларнинг қотишмаси ва қоришмаси; ёқилги элементлари ва юқорида эслатиб ўтилган бирикмалардан, шунингдек ядровий материаллар концентрацияси камида 25 г/л (25 г/кг) бўлган бошқа маҳсулотлар	Pu, U-233	Pu и U-233 бўйича жами массаси 6
	ЮБУ	U-235 изотопи бўйича 20
	Қоришма, Pu, U-233, ЮБУ ва бошқа ядровий материаллар бирикмаси	Pu, U-233, U-235, Np-237, Am, Cf бўйича жами массаси 6
2-категорияли ядровий материаллар		
Металл маҳсулотлар: металл буюмлар, бирикмалар; қуймалар, заррачалар, уларнинг қотишмаси ва қоришмаси; ёқилги элементлари ва йиғилмалари, металл ва интерметалл ёқилги; аралашмасиз қайта эритиш йўли билан қайта ишланадиган брак қилинган буюмлар ва чиқиндилар	<i>Pu, U-233</i>	Pu и U-233 бўйича жами массаси ≥ 0,5, бироқ < 2
	ЮБУ	U-235 изотопи бўйича ≥ 1, бироқ < 5
	қоришмалар, Pu, U-233 бирикмаси, ЮБУ ва бошқа ядровий материаллар	Pu, U-233, U-235, Np-237, Am, Cf бўйича жами массаси ≥ 0,5, бироқ < 2
Таркибида ядровий материаллар юқори миқдорда бўлган маҳсулотлар: карбидлар, оксидлар, хлоридлар, нитридлар, фторидлар, уларнинг қотишмаси ва қоришмаси; ёқилги элементлари ва юқорида эслатиб ўтилган бирикмалардан, шунингдек ядровий материаллар концентрацияси камида 25 г/л (25 г/кг) бўлган бошқа маҳсулотлар хлоридлар, нитридлар, фторидлар, уларнинг қотишмалари ва қоришмалари; таркибида юқоридаги бирикмалар ва бошқа ядровий материали 25 г/л (25 г/кг) дан кам бўлмаган маҳсулотлар ёқилги элементлари ва йиғилмалари.	Pu, U-233	Pu ва U-233 бўйича жами массаси ≥ 2, бироқ < 6
	ЮБУ	U-235 изотопи бўйича ≥ 6, бироқ < 20
	қоришмалар, Pu, U-233 бирикмаси, ЮБУ ва бошқа ядровий материаллар	Pu, U-233, U-235, Np-237, Am, Cf бўйича жами массаси ≥ 2, бироқ < 6
Таркибида ядровий материаллар паст миқдорда бўлган маҳсулотлар: мураккаб қайта ишлашни талаб қиладиган маҳсулотлар; концентрацияли маҳсулотлар; 1 дан 25 г/л (25 г/кг) гача ядровий материаллар	Pu, U-233	Pu ва U-233 бўйича жами массаси ≥ 16
	ЮБУ	U-235 изотопи бўйича ≥ 50
	қоришмалар, Pu, U-233 бирикмаси, ЮБУ ва бошқа ядровий материаллар	Pu, U-233, U-235, Np-237, Am, Cf бўйича жами массаси ≥16

Маҳсулотлар	Ядровий материал	Ядровий материал массаси, кг, камида
3-категорияли ядровий материаллар		
Металл маҳсулотлар: металл буюмлар, бирикмалар; куймалар, заррачалар, уларнинг қотишмаси ва қоришмаси; ёқилги элементлари ва йиғилмалари, металл ва интерметалл ёқилги; аралашмасиз қайта эритиш йўли билан қайта ишланадиган брак қилинган буюмлар ва чиқиндилар	<i>PU, U-233</i>	Pu ва U-233 бўйича жами массаси ≥ 0,2, бироқ < 0,5
	ЮБУ	U-235 изотопи бўйича ≥ 0,5, бироқ < 1
	қоришмалар, Pu, U-233 бирикмаси, ЮБУ ва бошқа ядровий материаллар	Pu, U-233, U-235, Np-237, Am, Cf бўйича жами массаси ≥ 0,2, бироқ < 0,5
Таркибида ядровий материаллар юқори миқдорда бўлган маҳсулотлар: карбидлар, оксидлар, хлоридлар, нитридлар, фторидлар, уларнинг қотишмаси ва қоришмаси; ёқилги элементлари ва юқорида эслатиб ўтилган бирикмалардан, шунингдек ядровий материаллар концентрацияси камида 25 г/л (25 г/кг) бўлган бошқа маҳсулотлар	Pu, U-233	Pu ва U-233 бўйича жами массаси ≥ 0,5, бироқ < 2
	ЮБУ	U-235 изотопи бўйича ≥ 2, бироқ ≤ 6
	қоришмалар, Pu, U-233 бирикмаси, ЮБУ ва бошқа ядровий материаллар	Pu, U-233, U-235, Np-237, Am, Cf бўйича жами массаси ≥ 0,5, бироқ < 2
Таркибида ядровий материаллар паст миқдорда бўлган маҳсулотлар: мураккаб қайта ишлашни талаб қиладиган маҳсулотлар; концентрацияли маҳсулотлар; 1 дан 25 г/л (25 г/кг) гача ядровий материаллар қайта ишлашни талаб қиладиган маҳсулотлар; таркибида ядровий материали 1 дан 25 г/л (25 г/кг) гача бўлган маҳсулотлар	Pu, U-233	Pu ва U-233 бўйича жами массаси ≥ 3, бироқ < 16
	ЮБУ	U-235 изотопи бўйича ≥ 8, бироқ < 50
	қоришмалар, Pu, U-233 бирикмаси, ЮБУ ва бошқа ядровий материаллар	Pu, U-233, U-235, Np-237, Am, Cf бўйича жами массаси ≥ 3, бироқ < 16
4-категорияли ядровий материаллар*		
Металл маҳсулотлар: металл буюмлар, бирикмалар; куймалар, заррачалар, уларнинг қотишмалари ва қоришмалари; ёқилги элементлари ва йиғилмалари, металл ва интерметалл ёқилги; брак буюмлар ва чиқиндилар, эритиш йўли билан аралаштирмасдан қайта ишлаш	<i>PU, U-233</i>	Pu ва U-233 бўйича жами массаси 0,2
	ЮБУ	U-235 изотопи бўйича 0,5
	қоришмалар, Pu, U-233 бирикмаси, ЮБУ ва бошқа ядровий материаллар	Pu, U-233, U-235, Np-237, Am, Cf бўйича жами массаси 0,2
Таркибида ядровий материаллар юқори миқдорда бўлган маҳсулотлар: карбидлар, оксидлар, хлоридлар, нитридлар, фторидлар, уларнинг қотишмалари ва қоришмалари; таркибида юқоридаги бирикмалар ва бошқа ядровий материали 25 г/л (25 г/кг) дан кам бўлмаган маҳсулотлар ёқилги элементлари ва йиғилмалари	Pu, U-233	Pu ва U-233 бўйича жами массаси 0,5
	ЮБУ	U-235 изотопи бўйича 2
	қоришмалар, Pu, U-233 бирикмаси, ЮБУ ва бошқа ядровий материаллар	Pu, U-233, U-235, Np-237, Am, Cf бўйича жами массаси 0,5
Таркибида ядровий материаллар паст миқдорда бўлган маҳсулотлар: мураккаб қайта ишлашни талаб қиладиган маҳсулотлар; таркибида ядровий материали 1 дан 25 г/л (25 г/кг) гача бўлган маҳсулотлар	Pu, U-233	Pu ва U-233 бўйича жами массаси 3
	ЮБУ	U-235 изотопи бўйича 8
	қоришмалар, Pu, U-233 бирикмаси, ЮБУ ва бошқа ядровий материаллар	Pu, U-233, U-235, Np-237, Am, Cf бўйича жами массаси 3

Изоҳ:

* Бошқа барча маҳсулотлар, шу жумладан:

а) камида 1 г/л (1 г/кг) концентрацияли таркибида Pu, U-233, ЮБУ бўлган маҳсулотлар;

б) уранда U-235 камида 20 % бўлган ураннинг ҳар қандай бирикмалари;

в) ҳимоясиз камида 1 Гр/с = 100 рад/с, 1 м масофада ютилган даража қувватли ҳар қандай маҳсулотлар;

г) ҳар қандай бирикмалар: плутоний-238 изотопи миқдори 80 %ли плутоний; торий; нептуний-237; америций-241; америций-243 ва калифорний-252;

д) маҳсус ноядровий маҳсулотлар ва уларнинг ҳар қандай бирикмалари.